

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АБДУЛЛАЕВ ШЕРЗОД РАХМАТОВИЧ**

**ОФТАЛЬМОРОЗАЦЕАНИНГ КЛИНИК-ИММУНОГЕНЕТИК ВА  
БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ  
КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.08 – Офталмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Абдуллаев Шерзод Рахматович**

Офтальморозацеанинг клиник-иммуногенетик ва биокимёвий  
хусусиятлари ҳамда уларни коррекциялаш усуллари..... 3

**Абдуллаев Шерзод Рахматович**

Клинико-иммуногенетические и биохимические особенности  
офтальморозацеи и методы их коррекции..... 33

**Abdullaev Sherzod Rakhmatovich**

Clinical, immunogenetic and biochemical features of ophthalmic  
rosacea and methods for their correction..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 65

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АБДУЛЛАЕВ ШЕРЗОД РАХМАТОВИЧ**

**ОФТАЛЬМОРОЗАЦЕАНИНГ КЛИНИК-ИММУНОГЕНЕТИК ВА  
БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ  
КОРРЕКЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.08 – Офталмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib418 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.eye-center.uz](http://www.eye-center.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Комилов Холиджон Махамаджонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Билалов Эркин Назимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Баранов Валерий Иванович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Бабаджанов Ойбек Абдужаббарович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**“ELC” офтальмологик тиббиёт маркази**  
(Жанубий Корея, Сеул)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ф. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ш.А. Джамалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Каримова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, офтальморозацеа (ОР) блефарит ва конъюнктивит ривожланиши билан кечувчи периорбитал соҳанинг терисига таъсир қиладиган сурункали тери яллиғланиши касаллиги бўлиб, ушбу касалликнинг тарқалиши жуда ўзгарувчан ва розацеа билан оғриган беморларнинг 6-50% да учрайди. Қатор олимлар томонидан олинган натижалар асосида «.....розацеа намоён бўлишини қуйидагича тақсимлади: беморларнинг 20% да биринчи навбатда кўз белгилари, 27% касаллик терига ҳам, кўзларга ҳам таъсир қилади, 53% эса касалликнинг биринчи белгилари сифатида тери ўзгаришлари ҳисобланади»<sup>1</sup>. Адабиёт маълумотларига кўра, офтальморозацеа бўлган 20% беморларда кўз белгилари терида касаллик намоён бўлишидан аввал юзага келган. Офтальморозацеа касаллигининг иммунологик, қон томир ва асаб тизимларидаги номутаносиблик таъсири аниқ маълум бўлишига қарамадан, касалликни эрта аниқлаш имконини берадиган сезгир усулларни қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда офтальморозацеанинг патогенетик жиҳатларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Касалликнинг кучайишида *Helicobacter pylori*, *Demodex* каби микроорганизмларнинг ролини ўрганиш бўйича тадқиқотлар муҳим бўлиб қолмоқда. Папула пустуляр розацеа шакллари билан оғриган беморларда *Demodex* каналар мавжудлигини ўрганиш орқали уларни оғир ҳолатларда 62,8% ва ўрта даражаларда 53,5% да мавжудлиги аниқланган. Офтальморозацеа патогенетик жараёнларини обектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарур, бу эса касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва таққослама - ташхислаш белгиларини очиқ беришга, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда маҳаллий соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. кўз касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайитириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, офтальморозацеанинг клиник, иммуногенетик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш ва уларни тузатиш усулларини ишлаб

<sup>1</sup> Spoenclin J, Voegel JJ, Jick SS, Meier CR. A study on the epidemiology of rosacea in the UK. British journal of dermatology. 2012;167(3):598-60

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

чиқиш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887-сон ва 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Офтальморозацеа билан оғриган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари томонидан амалга оширилган, жумладан: Илинойс университетининг кўз касалликлари бўлими (АҚШ), Перелман тиббиёт мактаби (Филоделфия, АҚШ), Граз тиббиёт университетининг дерматология бўлими (Австрия), Ж. Хопкинс номли тиббиёт университетининг дерматология бўлими (Балтимор, АҚШ), Оклахома тиббиёт университетининг кўз касалликлари бўлими (Оклахома, АҚШ), академик С.Н. Федоров номидаги “Кўз микрохирургияси” маркази (Россия), М.М. Краснов номидаги “Кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти” (Москва, Россия Федерацияси), академик Зарифа Алиева номидаги миллий Офтальмология маркази (Азербайжон), шунингдек, тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Дунё адабиётларини пухта таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, офтальморозацеа билан оғриган беморларда кўрув аъзоси ўзгаришларининг клиник-ташҳисоти ва даволашни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: офтальморозацеа эпидемиологияси, офтальморозацеанинг клиник кўринишидаги фарқлар, таъсирланган беморларнинг кенг доирадаги популяциялари бўйича кўриб чиқилган ва ўрганилган, ўз вақтида фанлараро

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.uni-heidelberg.de](http://www.uni-heidelberg.de), [www.univ-agadez.edu.ne](http://www.univ-agadez.edu.ne), [www.umb.edu.pl](http://www.umb.edu.pl), [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk), [www.ninds.nih.gov](http://www.ninds.nih.gov), [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca), [www.aub.edu.lb](http://www.aub.edu.lb), [www.medline.ru](http://www.medline.ru), [www.medscape.com/ophthalmology](http://www.medscape.com/ophthalmology), [visionscience.com](http://visionscience.com), [www.retina.org/retina](http://www.retina.org/retina), [elibrary.ru](http://elibrary.ru), [medlib.ws](http://medlib.ws), [www.medlit.ru](http://www.medlit.ru), [www.rmj.ru](http://www.rmj.ru), [mntk.ru](http://mntk.ru), [www.ophtal.org](http://www.ophtal.org), [www.retinajournal.com](http://www.retinajournal.com), [www.bjophthalmol.com](http://www.bjophthalmol.com), [www.eyeworld.org](http://www.eyeworld.org), [www.aoj.org](http://www.aoj.org), [www.djo.harvard.edu](http://www.djo.harvard.edu), [webofscience.com](http://webofscience.com), [pubmed.com](http://pubmed.com), [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

хамкорлик офтальморозацеани эрта ташхислаш ва даволашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган ва шу билан бу сурункали дерматозда кўзнинг доимий шикастланишининг олди олинади Иллинойс университетининг кўз касалликлари бўлими (АҚШ), Пенсилвани тиббиёт университети кўз касалликлари бўлими (АҚШ); Dean A. McGee номли Оклахома кўз инфекциясини молекуляр текшириш маркази, кўз бўлими (АҚШ), антибиотиклардан даволашда фойдаланиш самарадорлигини, шунингдек изотретиноин ва гексахлоротциклогексан каби дориларнинг самарадорлиги ҳам исботланган, (Department of Ophthalmology, Ophthalmic Plastic Surgery, Lions Eye Institute, Albany Medical College, Slingerlands (Ньюйорк, АҚШ), София тиббиёт университетининг дерматовенерология бўлими (София) офтальморозацеа билан оғриган беморларни даволашда ангиопротекторларни, микротциркуляция каналининг ҳолатини нормаллаштирадиган ва фибробластлар ва қон томир эндотелийсини ўсишининг патологик омилларини блокировка қилувчи дориларни киритиш мақсадга мувофиқдир; сурункали, қайталанувчи ва оғир ҳолатларда, назоратсиз ангиогенез билан кечадиган торпид сурункали яллиғланиш жараёни (Academic Dermatology & Skin Cancer Institute, М.М. Краснов номидаги “Кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти” (Москва, Россия Федерацияси), Тиббиёт ҳдимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

Дунёда офтальморозацеа билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, ушбу беморлар популяциясининг кўпайиши, даволаш тактикасига ёндашувларнинг ноаниқлиги ва қониқарсиз даволаш натижалари, шунингдек, иммунобиокимёвий ва клиник-генетик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда офтальморозацеани коррекция усуллариини такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ. Шунга кўра, замонавий офтальмологиянинг асосий вазифаси офтальморозацеанинг клиник, иммуногенетик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш ва уларни коррекциялаш чора-табирларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида (E. Lazaridou ва ҳаммуаллифларга кўра), розацеа билан оғриган беморларнинг 33% офтальмологик аломатларга эга, бошқа аломатлар 58-72%ни ташкил этади (Lazaridou E., Fotiadou C., Ziakas N.G., Giannopoulou C., Apalla Z., Ioannides D., 2011). Офтальморозацеа билан оғриган одамларнинг 90% да терининг намоён бўлиши сезиларсиз ёки умуман бўлмаслиги мумкин, бу ташхисни қийинлаштиради. Розацеа билан касалланиш Осиё ва Африка миллатига мансуб одамларга қараганда териси оқ рангдаги популяцияларда кўпроқ бўлади. Офтальморозацеа билан оғриган беморларнинг 20 % да кўз белгилари теридаги ўзгаришнинг намоён бўлишидан олдин бўлган. Адабиёт маълумотлари назорат гуруҳидаги билан солиштириганда офтальморозацеали беморларда кўз ёши таркибида IL-1  $\alpha$  концентрациясининг ошишини такидлаб ўтган. Л. Собрин ва бошқалар ММП-9 нинг (Матрикс металлопротеиназа-9) офтальморозацеа билан

оғриган беморларнинг кўз ёшлари назорат гуруҳида бир хил параметр билан солиштириганда сезиларли даражада кўпроқ фаоллигини аниқладилар (Sobrin L, Liu Z, Monroy D.C., Solomon A., Selzer M.G., Lokeshwar B.L., Pflugfelder S.C., 2020).

Илмий адабиётларга кўра, розацеа учун триггерлар спиртли ичимликлар, кофеин, қиздирувчи ичимликлар, шоколад, ёнғоқлар, ширинлик маҳсулотлари, шунингдек, баъзи ювиш воситалари, косметика, қуёш радиацияси, шамол, иссиқлик, совуқ, юқори намлик, жисмоний ва ҳиссий стресс ва бошқаларни ўз ичига олади. *Helicobacter pylori* ва розацеа ўртасидаги ижобий муносабатни кўрсатади. офтальморозацеа кўпинча икки томонлама бўлади. Одатда кўз қовоқлари, конъюнктива ва шох парда зарарланади. Офтальморозацеага кўз ёши барқарорлигининг бузилиши хос, бу мейбомий безларнинг дисфункцияси билан боғлиқ (З. Дакович ва бошқалар. 2018, Р. Шарма ва бошқалар., 2018).

Россия федерациясини баъзи олимларнинг фикрича шох пардадаги ўзгаришлар одатда 39% да топиладиган шох парданинг пастки учдан бир қисмида нуктали эпителиал кератит сифатида намоён бўлади (Труфинов С.В., Шахбазян Н.П. 2018; Чехова Т.А., Черних В.В., 2020;). Офтальморозацеани, биринчи навбатда, дерматологлар ва офтальмологларнинг биргаликдаги даволашлари керак. Офтальморозацеани даволашда антибиотиклардан фойдаланиш кенг тарқалган ва самарали усул ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотлар тетрациклин, докситциклин, азитромитцин, микатцин ва бошқа тетрациклин антибиотикларининг ижобий ролини исботлайди (Шурбей В.А. 2021).

Ўзбекистонда розацеа касалликларини ташхислаш, даволаш, профилактикаси бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган, жумладан: Розацеани ривожланишида клиник ва молекуляр генетик асослари (Бабаджанов О.А., 2019), Розацеани ривожланишининг клиник-генетик ва биохимик механизмлари, ҳамда даволаш усуллари такомиллаштириш асослари (Якубов А.А. 2020), розацеа билан оғриган беморларни даволашда ангиопротекторларни, микротциркуляция ҳолатини нормаллаштирадиган ва фибробластлар ҳамда қон томир эндотелиясининг патологик ўсиш омилларини блоклайдиган дориларни киритиш тавсия этилади (Арифов С.С. ва бошқалар 2020). Офтальмодемодекозни ташхислаш ва замонавий даволаш усуллари (Бахритдинова Ф.А., Курязова З.Х. 2006), бироқ, офтальморозацеани кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-ташхисоти, иммунобиохимик, генетик ва даволашни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, бугунги кунда кўз билан боғлиқ ҳолатларнинг диагностикаси характерли тери жароҳатларининг йўқлигида маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради ва ҳам офтальмологлар, ҳам дерматологларнинг эътиборини талаб қилади. Шунга асосланиб, Demodex канаси ва *Helicobacter pylori* билан боғлиқ офтальморозацеанинг клиник прогнози учун алгоритмни ишлаб чиқиш ва иммунобиокимёвий ва клиник-генетик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда офтальморозацеани коррекция

усулини такомиллаштириш, янги даволаш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Кўрув аъзоси патологик ҳолатини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш” (2016-2020) шунингдек, ПЗ. -02090009 “Хусусий ва умумий жарроҳлик ва шошилиш тиббий ёрдамнинг янги технологиялари” (2020-2023) илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** офтальморозацеанинг клиник, офтальмологик, иммуногенетик ва биокимёвий хусусиятларини аниқлаш ва уларни коррекция усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

офтальморозацеанинг клиник шакллариининг офтальмологик хусусиятларини баҳолаш;

офтальморозацеа ҳамда Demodex ва H.pylori билан боғлиқ офтальморозацеа ривожланишида rs2010963 полиморфизмининг VEGFA генида, T1237C генида, TLR-9 генини Arg753Gln TLR2 генини ва T 330 G IL -2 гени ўрнини аниқлаш;

офтальморозацеа билан оғриган беморларнинг кўз ёши суюқлигидаги яллиғланиш цитокинларини (IL-1 $\beta$ , IL-6) баҳолаш ва олинган натижаларга асосланиб, даволаш усуллари коррекциясини ишлаб чиқиш;

кўз ёши суюқлигининг биокимёвий таркибини ўрганиш, офтальморозацеанинг клиник кўринишларини ҳисобга олган ҳолда ва олинган натижаларга асосланиб, даволаш усуллари коррекциясини ишлаб чиқиш;

клиник ва иммунобиокимёвий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда офтальморозацеани коррекция қилиш учун тавсия этилган комбинацияланган патогенетик усулнинг терапевтик самарадорлигини баҳолаш;

офтальморозацеани турли клиник кўринишларидаги беморларда олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-20223 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика кўз касалликлари клиник шифохонаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказида ва “Dialab medical” клиникасида даволанаётган 105 нафар (202 кўз) офтальморозацеа касаллиги билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳига 30 нафар (60 та кўз) амалий соғлом шахслар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кўз ёши суюқлиги, периферик веноз қон, офтальморозацеали беморларнинг эпидермасидан биопсия наъмуналари ва соғлом одамларнинг эпидермисини ўрганиш натижалари ташкил этди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, офтальмологик, дерматологик, инструментал, биокимёвий, иммунологик, генетик ва

статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор офтальморозацеа патогенезида IL-2 гени T330G полиморфизмининг аҳамияти аниқланган, унинг мавжудлиги офтальморозацеа ривожланиш хавфини ошиши исботланган;

VEGFA гени rs2010963 полиморфизмининг G/G генотиби мавжудлиги офтальморозацеанинг *H.pylori* билан ассоциацияланган шакли клиник кечишининг оғирлик даражасини башоратлаш кўрсаткичи эканлиги исботланган;

TLR9 генининг T1237C ва TLR2 генининг Arg/Gln полиморфизми салбий T/C генотиби ташувчиларида Demodex ва *H.pylori* билан ассоциацияланган офтальморозацеани ривожланиш хавфи юқорилиги исботланган;

офтальморозацеали беморларнинг кўз ёши суяқлигида IL-1 $\beta$  ва IL-6 цитокинлари миқдорларининг ўзгариши касалликни оғирлик даражасини баҳолаш мезони эканлиги аниқланган;

офтальморозацеа билан оғриган ва Demodex (+) беморларда кўз ёши суяқлигида Лактат дегидрогеназа (ЛДГ) ва сут кислотаси (СК) нинг ишончли ошиши ( $p < 0,05$ ), касалликни 2-чи хафтасигача ЛДГни ва кузатув давомида СКни ошиб бориши, тўқималарнинг узоқ муддатда гипоксиясиси сабабли "лактат" ацидоз мавжудлиги исботланган;

патогенетик ёндашувга асосланган ҳолда комбинацияланган тизимли ва маҳаллий иммуномодуляторлар ва антиоксидант дори воситаларини қўллаш натижасида иммунологик ва цитокин статусларни меъёрланиши исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тавсия этилган иммуногенетик тадқиқот усуллари касалликнинг натижаси ва кечишини прагнозлаш, шунингдек даволаш усулларини коррекция қилиш йўллари ишлаб чиқилган;

тавсия этилган клиник, иммунологик ва биокимёвий диагностика усуллари офтальморозацеа этиопатогенетик жиҳатларини аниқлаш, шунингдек даволаш самарадорлигини баҳолаш учун тадбиқ қилинган;

клиник-иммуногенетик ва биокимёвий диагностика усулларидан олинган маълумотлар асосида офтальморозацеа коррекция қилиш учун комбинацияланган патогенетик асосланган усул ишлаб чиқилган;

офтальморозацеа билан оғриган беморларни диагностика ва даволаш алгоритми ва компютер дастури дерматологик ва офтальмологик текширув вақтида офтальморозацеа билан касалланган беморларни аниқлаш фоизини оширади ва кўриш аъзоларидан жиддий асоратларни камайтириш учун беморнинг аҳволини назорат қилиб боради. Ушбу дастур соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳволини баҳолашнинг объектив мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил мажмуаларини тўғри қўллаш билан исботланди. Тадқиқот

етарли миқдордаги клиник материалда амалга оширилди. Кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш тиббий статистиканинг замонавий тасдиқланган усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Диссертацияда муҳокама қилинган муаммоларни ҳал қилиш усуллари офтальморозацеа билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда замонавий илмий ва амалий тушунчалар ва ёндашувларга асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзига хос назарий асосга эга бўлиб, офтальморозацеанинг клиник-офтальмологик, иммуногенетик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганишга ушбу касалликни даволаш усуллари такомиллаштиришда муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тавсия этилган иммуногенетик тадқиқот усуллари офтальморозацеанинг кечиши ва натижаларини олдиндан прогнозлашга имкон беради ва иммунобиокимёвий ва клиник-генетик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш усуллари касалликни қайталаниши ва асоратларни камайтириш беморнинг касалхонада қолиш муддатини қисқартириш ва кўрув аъоларининг функционал ҳолатини яхшироқ тиклаш орқали даволаш натижаларини яхшилаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази экспертлар кенгашининг 2024-йил 30-апрелдаги 4-сонли хулосасига асосан:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор офтальморозацеа патогенезида IL-2 гени T330G полиморфизмининг аҳамияти аниқланган, унинг мавжудлиги офтальморозацеа ривожланиш хавфини ошириши исботланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: офтальморозацеали беморларда кўз белгиларининг оғирлигини ташхислаш ва башорат қилиш учун янада чуқурроқ ёндашув амалга оширилди, бу полиморфизм офтальморозацеа ривожланишига мойилликнинг генетик тузилишини шакллантиришга маълум ҳисса қўшади; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 2022 йил 22 февралдаги 10-сон ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиалининг 2022 йил 8 февралдаги 8-сонли ҳамда Навоий вилоят кўз касалликлари шифохонасининг 2022 йил 18 январдаги 4/1-сонли буйруқлари билан клиник амалиётга татбиқ этилди; *илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* касалликнинг натижаси ва кечишини башорат қилиш учун IL-2 генининг T330G полиморфизмини аниқлаш учун молекуляр генетик тадқиқотлар ўтказиш; *илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* молекуляр-генетик тадқиқотларнинг олинган натижалари офтальморозацеа билан оғриган беморларга касалхонага ётқизилган биринчи кундан бошлаб патогенетик жиҳатдан асосланган дори танлаш имконини беради. Даво харажатларини камайтириш ва ётоқ

кунларини қисқартиришнинг иқтисодий самарадорлиги амалга ошириш миқёсида (n=83) 2 490 000 сўмни ташкил этади. **Хулоса:** ушбу илмий янгиликни диагностика стандартларига киритиш офтальморозацеанинг ноқулай натижаларини ўз вақтида башорат қилиш ва коррекция қилиш имконини беради.

*иккинчи илмий янгилик:* VEGFA гени rs2010963 полиморфизмининг G/G генотиби мавжудлиги офтальморозацеанинг *H.pylori* билан ассоциацияланган шакли клиник кечишининг оғирлик даражасини башоратлаш кўрсаткичи эканлиги исботланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: офтальморозацеа намоён бўлишининг оғирлигини ташхислаш ва башорат қилиш учун янада чуқурроқ ёндашув амалга оширилди; бу полиморфизм *H.pylori* билан боғлиқ офтальморозацеа ривожланишига мойилликнинг генетик тузилишини шакллантиришга маълум ҳисса қўшади; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 2022 йил 22 февралдаги 10-сон ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиалининг 2022 йил 8 февралдаги 8-сонли ҳамда Навоий вилоят кўз касалликлари шифохонасининг 2022 йил 18 январдаги 4/1-сонли буйруқлари билан клиник амалиётга татбиқ этилди; илмий **янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** VEGFA генининг rs2010963 полиморфизмини, касалликнинг натижаси ва кечишини, *H.pylori* ассоциацияси эҳтимолини аниқлаш учун молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** молекуляр генетик тадқиқотлар натижаларини амалга ошириш офтальморозацеа билан касалланган беморларга ташхис қўйиш самарадорлигини оширади, асоратларни ривожланиш эҳтимолини башорат қилади ва касалхонада қолиш муддатини 10 кундан 7 кунгача қисқартириш орқали даволашнинг иқтисодий харажатларини 1 810 000 сўм тежалишига олиб келди. **Хулоса:** ушбу илмий янгиликни диагностика стандартларига киритиш офтальморозацеанинг ноқулай натижаларини ўз вақтида башорат қилиш ва коррекция қилиш имконини беради.

*учинчи илмий янгилик:* TLR9 генининг T1237C ва TLR2 генининг Arg/Gln полиморфизми салбий T/C генотиби ташувчиларида *Demodex* ва *H.pylori* билан ассоциацияланган офтальморозацеани ривожланиш хавфи юқорилиги исботланган; илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 2022 йил 22 февралдаги 10-сон ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиалининг 2022 йил 8 февралдаги 8-сонли ҳамда Навоий вилоят кўз касалликлари шифохонасининг 2022 йил 18 январдаги 4/1-сонли буйруқлари билан клиник амалиётга татбиқ этилди; **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** TLR9 генининг T/C

полиморфизми T1237C ва TLR2 генининг Arg/Gln генотипик вариантыни аниқлаш учун молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш касалликнинг кечишини ҳамда Demodex ва H.pylori билан боғланиш имкониятини олдиндан айтиш имконини беради; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** молекуляр-генетик тадқиқотларнинг натижалари офтальморозацеа билан касалланган беморларни касалхонага ётқизилган биринчи кундан бошлаб адекват даволашни буюришга имкон беради ва шу билан касалликнинг оғирлигини, даволашнинг иқтисодий харажатлари самарадорлигини камайтиради, асоратлар хавфини камайтириш ва стационар даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига керакли клиник самарадорлик билан 1 666 600 сўмни ташкил этди. **Хулоса:** ушбу илмий янгиликнинг диагностика стандартларига киритилиши офтальморозацеа Demodex ва H.pylori билан боғланиш имкониятини ўз вақтида тахмин қилиш ва адекват коррекция қилишни ўз вақтида белгилаш имконини беради.

**тўртинчи илмий янгилик:** офтальморозацеали беморларнинг кўз ёши суяқлигида IL-1 $\beta$  ва IL-6 цитокинлари миқдорларининг ўзгариши касалликни оғирлик даражасини баҳолаш мезони эканлиги аниқланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: офтальморозацеали беморларнинг кўз ёши суяқлигида IL-1 $\beta$  ва IL-6 яллиғланиш цитокинларининг миқдори ошиши яллиғланиш жараёнининг мавжудлигини кўрсатади. IL-1  $\beta$  яллиғланиш ва иммунитетнинг муҳим медиатори, IL-6, IL-8 ва TNF- $\alpha$  каби бошқа яллиғланиш цитокинларининг кучли индукторидир. IL-1 $\beta$  ревматоид артрит ва периодонтит каби яллиғланиш касалликлари учун потенциал терапевтик нишон ҳисобланади. Шунингдек, қуруқ кўз, псевдофакик буллёз кератопатия ва герпетик кератит каби шох парда ва кўз юзаси касалликларининг патогенезида иштирок этади, яъни бу цитокинларнинг кўпайиши касалликнинг оғирлигини даражасини кўрсатади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 2022 йил 22 февралдаги 10-сон ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиалининг 2022 йил 8 февралдаги 8-сонли ҳамда Навоий вилоят кўз касалликлари шифохонасининг 2022 йил 18 январдаги 4/1-сонли буйруқлари билан клиник амалиётга татбиқ этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** цитокинларнинг миқдори кўпайиши бузилишларни эрта ташхислаш ва тезда коррекция қилишга ёрдам беради: масалан, глюкокортикостероидлар ва иммуномодулятор таъсирга эга бўлган дори-дармонларни буюриш. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** иммунологик текширув натижалари офтальморозацеали беморларга иммуномодулятор таъсирга эга бўлган дори воситаларни патогенетик асосланган равишда қоллаш имконини берди. Даволанишга сарфланадиган иқтисодий самарадорлик ҳар бир беморда 1 232 000 сўмни ташкил этади. **Хулоса:** цитокинларнинг миқдори кўпайишини эрта аниқлаш даволашни тўғри коррекция қилиш ва патогенетик асосланган равишда

иммуномодуляторларни қўллаб, асоратларни олдини олиш имконини беради.

*бешинчи илмий янгилик:* офтальморозацеа билан оғриган ва Demodex (+) беморларда кўз ёши суюқлигида Лактат дегидрогеназа (ЛДГ) ва сут кислотаси (СК) нинг ишончли ошиши ( $p < 0,05$ ), касалликни 2-чи хафтасигача ЛДГни ва кузатув давомида СКни ошиб бориши, тўқималарнинг узок муддатда гипоксиясиси сабабли "лактат" ацидоз мавжудлиги исботланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: офтальморозацеа билан оғриган беморларда кўз ёши суюқлигида ЛДГ ва СК нинг кўпайиши беморларда тўқималарнинг ўткир гипоксияси ва кўрув аъзоларидаги дистрофик ўзгаришлар натижасида узок муддатли "лактат" ацидоз мавжудлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида антиоксидантлар буюриш заруриятини келтириб чиқаради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 2022 йил 22 февралдаги 10-сон ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиалининг 2022 йил 8 февралдаги 8-сонли ҳамда Навоий вилоят кўз касалликлари шифохонасининг 2022 йил 18 январдаги 4/1-сонли буйруқлари билан клиник амалиётга татбиқ этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** яллиғланиш цитокинларнинг кўпайишини эрта аниқлаш гипоксик ҳолатларини тезда коррекция қилишга ёрдам беради: антиоксидантларни буюриш – антиоксидант сифатида эркин радикал жараёнларни ва яллиғланишни камайтиришга ва Demodex ривожланишини тўхтатади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: кўз ёши суюқлигида ЛДГ ва СК ни аниқлашнинг диагностик усули, айниқса офтальморозацеанинг Demodex билан боғлиқлигида касаллик асоратларини антиоксидант препаратларини қўллаш натижасида минималлаштириш имконини берди. **Иқтисодий самарадорлик** ҳар бир беморда 2 100 000 сўмни ташкил этади ( $n=83$ ). **Хулоса:** офтальморозацеа билан оғриган беморларда кўз ёши суюқлигида ЛДГ ва СКни юқори миқдорда аниқланиши, даволанишни тўғри коррекция қилиш ва асоратларни олдини олиш имконини беради;

*олтинчи илмий янгилик:* патогенетик ёндашувга асосланган ҳолда комбинацияланган тизимли ва маҳаллий иммуномодуляторлар ва антиоксидант дори воситаларини қўллаш натижасида иммунологик ва цитокин статусларни меъёрланиши исботланган; илмий янгиликнинг аҳамияти: офтальморозацеани даволашда комбинирланган патогенетик ёндашув асосида ўтказилган терапия асоратлар ҳавфини пасайтириб, даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан касалликнинг оғирлигини 4,3 баробар камайтириш, иммунологик ва цитокин статусларини меъёрлашишни таъминлайди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 2022 йил 22 февралдаги 10-сон ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-

амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиалининг 2022 йил 8 февралдаги 8-сонли ҳамда Навоий вилоят кўз касалликлари шифохонасининг 2022 йил 18 январдаги 4/1-сонли буйруқлари билан клиник амалиётига татбиқ этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** офтальморозацеани молекуляр-генетик, клиник-иммунологик, биохимик текшириш усуллари натижаларига асосланган ҳолда комбинацияланган патогенетик ёндашув равишда даволаш тўлиқ клиник тикланиш, асоратларни олдини олиш ва ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** олинган натижаларни амалиётда қўллаш офтальморозацеа билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда 88% ҳолларда тўлиқ клиник тикланиш ва сезиларли яхшиланишга эришиш, асоратларни даволаш билан боғлиқ иқтисодий харажатларни камайтириш имконини берди. Умуман олганда, ушбу даволаш усулини услубий тавсияномалар натижаларига мувофиқ қўллаш натижасида ҳар бир бемор харажатида 1 270 000 сўм тежашга эришилди. **Хулоса:** Офтальморозацеани комбинацияланган патогенетик ёндашувга асосланиб ишлаб чиқилган даволаш усуллари асоратларни олдини олиш ва 88% ҳолларда тўлиқ клиник тикланиш ва сезиларли яхшиланишга эришиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 халқаро ва 2 республика конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясиси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 13 та журнал мақолалари, жумладан 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 188 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, ишнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилиши, тадқиқот натижалари, чоп этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертация тузилиши келтирилади.

Диссертациянинг **“Офтальморозацеа билан оғриган беморларнинг этиопатогенези, клиникаси ва даволашнинг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи боби 4 та параграфдан иборат бўлиб унда офтальморозацеа этиопатогенези бўйича адабиётлар маълумотлари келтирилган, касалликнинг

ривожланишига ҳисса қўшадиган хавф омиллари келтирилган, замонавий маълумотлар ва офтальморозацеа муаммосининг ҳолати таҳлил қилинган, офтальморозацеа билан оғриган беморларда ген полиморфизмининг иммуногенетик вариантлари келтирилган. Касалликни даволашнинг мавжуд замонавий усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи боби текширилган беморларнинг умумий тавсифини беради. Тадқиқотларнинг клиник объекти бўлиб 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказида ва “Диалаб медикал” клиникасида даволанаётган 105 нафар (202 та кўзлар) офтальморозацеа касаллиги билан оғриган беморлар олинди. Беморларнинг ёши 20 ёшдан 81 ёшгача ( $39,3 \pm 12,8$ ). Улардан 14 нафари эркаklar (13,3%) ва 91 нафари аёллар (86,7%). Текширилган умумий кўзлар сони 202 та бўлиб, шундан 26 та кўзда розацеа-блефарит (12,9%), 154 кўзда розацеа-блефароконъюнктивит (76,2%), 18 та кўзда розацеа-кератит ва розацеа-кератоиридоциклит (8,9%) ва 4 та кўзда розацеа-шоҳ парда яраси (2,0%).

Беморлар стандарт офтальмологик, лаборатория текширувлари, шунингдек, қон ва кўз ёш суюқлигини иммунологик, биокимёвий текширишни ўз ичига олган махсус усуллар билан розацеа билан оғриган беморларда терининг фототипини Фитцпатрик усулида аниқлаш, иммунитет ҳолатини баҳолаш, розацеани диагностик баҳолаш шкаласи (РДБШ) бўйича розацеа даражасини баҳолаш (Адаскевич В.П., 2004), молекуляр -генетик тадқиқот усуллари (IL-2, TLR2, TLR9 ва VEGFA генлари), Demodex ва Helicobacter pylori мавжудлиги диагностикаси протоколига мувофиқ текширилди.

Текширилаётган беморларни даволаш тамойиллари келтирилган. Шу мақсадда барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳга 90 нафар бемор (180 та кўз) киритилган; Улардан 13 нафар (26 та кўз) розацеа-блефарит, 77 нафар бемор (154 та кўз) розацеа-блефароконъюнктивит билан касалланган. Ушбу гуруҳ 2 та даволаш кичик гуруҳига бўлинган: 1А кичик гуруҳ - таққослаш гуруҳи (анъанавий даволаш) - анъанавий даволанган 44 нафар бемор (88 та кўз); 1Б кичик гуруҳи - асосий гуруҳ - 46 нафар бемор (92 та кўз) анъанавий даволанишга биз лубрикант Офтальрон П, Актипол кўз томчиларини қўшдик, тизимли равишда Врагглист Плюс таблеткаси берилди, нисбий ремиссия босқичида Офтальмаг аппаратида 10 сеанс физиотерапия қўлланилди, аскорбин кислотаси ва тиамин бромиди буюрилди. Ушбу гуруҳдаги беморлар юз ва кўз қовоқларининг терисини азелаик кислота ва перметрин эритмалари билан даволанилди. Иккинчи гуруҳга кўзнинг шоҳ пардасинининг зарарланишини ўз ичига олган розацеа билан касалланган 15 бемор (22 кўз) киритилган: розацеа-кератит ва розацеа-кератоиридоциклит - 12 бемор (18 кўз) ва шоҳ парданинг яраси - 3 (4 кўз). Ушбу гуруҳдаги беморлар 2 та кичик гуруҳга бўлинган: 2А кичик гуруҳ - анъанавий

даволанишни олган 8 бемор (11 кўз) нинг таққослаш гуруҳи; 2Б - 7 бемор (11 кўз), уларга анъанавий даволанишга қўшимча равишда қуйидагилар буюрилган: кўз томчилари, Врагглист Плс 6 мг / 400 мг таблетка, Нейрокс таблеткалари, тизимли ва маҳаллий замбуруғга қарши дорилар. Кўз ковоқларига азелаик кислота ва перметрин эритмалари билан ишлов берилган. Нисбатан ремиссия даврида Офтальмаг аппарати ёрдамида 10 та физиотерапия сеанси ўтказилди. ЛДГ ва СК ни нормализация қилиш учун кунига бир марта кислородли кўпик клиник тикланишигача буюрилган. Олинган натижалар статистик таҳлилнинг турли усуллари билан қайта ишланди.

Диссертациянинг **“Офтальморозацеа билан касалланган беморларнинг клиник-офтальмологик ва иммунобиокимёвий тавсифи”** деб номланган учинчи бобида офтальморозацеа билан касалланган беморларнинг (202 та кўз) турли клиник шакллари пайдо бўлиш частотаси ҳамда уларнинг клиник ва офтальмологик хусусиятлари ўрганилган. Улардан: 105 нафар бемор текширувдан ўтказилган, 27 нафар (25,7%) беморда тери ва офтальмологик кўринишлар бир вақтда бошланган. 13 нафар беморда (12,4%) биринчи навбатда офтальморозацеа белгилари пайдо бўлди, кейин тери белгилари пайдо бўлди ва 65 нафарида (61,9%) тери белгилари кўзнинг шикастланишидан олдин пайдо бўлди.

Офтальморозацеа бошланишини ёки кучайишини кўзгатувчи омилларни таҳлил қилганда, 94 нафар (89,5%) беморлар турли сабабларни кўрсатганлиги аниқланди. 16 нафар беморлар (15,2%) ўз касалликларини неврологик касалликлар (стресс, ҳиссий зўриқиш), 37 нафар (35,2%) атроф муҳитнинг юқори инсоляцияси ва ҳароратнинг ўзгаришлари, 15 нафар (14,3%) ҳайз даврининг бузилиши ва кўриш аъзосининг яллиғланишни ва шикастланишдан кейинги касалликларини даволаш – (маҳаллий, узок муддатли антибиотиклар, глюкокортикостероидлар ва вирусга қарши препаратлар) 8 нафар (7,6%) ва олдинги шамоллаш (тонзиллит, синусит, ЎРВИ), 13 нафар (12,4%) – овқатланиш омиллар билан (аччиқ, иссиқ овқат, спиртли ичимликлар), 11 нафар (10,5%) – ташқи косметика воситаларидан фойдаланганлик билан боғлади. Қолган 13 нафар (12,4%) беморлар касалликнинг бошланишига ёки кучайишига сабаб бўлган бирон бир сабабчи омилни айта олмади. Беморларнинг кўпчилигида ошқозон-ичак тракти касалликлари – 29 нафар беморлар (25,9%), гинекологик касалликлар – 28 нафар беморлар (27,6%), микст-патология – 17 (16,2%) беморларда аниқланди.

Розацеа клиник кечишини ўрганиш учун биз Plewig G., Jansen T., Kligman A. (2000) томонидан таклиф қилинган таснифдан фойдаландик. Биз кузатган беморлар розацеанинг қуйидаги босқичларига бўлинган: эритематоз-телеангиэктатик, папуло-пустулёз, пустулёз-тугунли ва унинг вариантлари: ринофима ва стероидли. 27 нафар (25,7%) беморлар розацеанинг эритематоз-телеангиэктатик босқичи билан касалланди, 50 нафар (46,7%) папуло-пустулёз босқичидан, 22 нафар (21%) пустулёз-тугунли босқичидан, 2 нафар (1,9%) ринофима ва стероидли шакли билан 4

нафар (3,8%) беморлар касалланган. Розацеанинг деярли барча клиник босқичларида аёллар эркаклардан устун келди. Шундай қилиб, аёллар эркакларга қараганда эритематоз-телеангиэктатик босқичдан 12,5 марта (23,8%), папуло-пустулёз босқичдан 7,3 марта ва пустулёз-тугунли босқичдан 6,3 марта кўпроқ азият чекишган. Розацеанинг фиматоз варианты фақат эркакларда (2 нафар беморлар – 1,8%), розацеанинг стероид босқичи эса фақат аёлларда (4 нафар беморлар – 3,6%) кузатилган.

Офтальморозацеа ва назорат гуруҳидаги беморларнинг кўз ёши суюқлиги ва қонида IL-1 $\beta$  ва IL-6 таркибини аниқлаш учун иммунологик тадқиқотлар ўтказилди.

IL-1 $\beta$  яллиғланиш ва иммунитетнинг муҳим воситачиси бўлиб, кўп функцияли цитокин бўлиб, умумий ўхшаш биологик таъсирга эга. Бу IL-6, IL-8 ва TNF- $\alpha$  каби бошқа яллиғланиш цитокинларининг кучли индуктори бўлиб, ММП ферментларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириши мумкин. IL-6 кўплаб цитокинларга, шу жумладан TNF- $\alpha$  ва IL-1га жавобан фибробластлар, эндотелиал ҳужайралар ва кератиноцитлар каби турли ҳужайралар томонидан ишлаб чиқариладиган плейотроп яллиғланишга қарши цитокиндир. IL-6 ҳам ММП экспрессиясининг кучайишига олиб келиши мумкин.

ОР билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳининг қонида ҳам, кўз ёши суюқлигида ҳам ушбу маркерларнинг таркиби бўйича тадқиқот ўтказилди (1,2-жадваллар).

#### 1-жадвал

##### Офтальморозацеа бўлган ва назорат гуруҳидаги беморларда қон зардобидидаги цитокинлар даражасини таққослаш

Цитокинлар	ОР	КГ	P
IL-1 $\beta$ (пг/мл)	8,56 $\pm$ 0,13	3,28 $\pm$ 0,13	p<0,05
IL-6 (пг/мл)	16,53 $\pm$ 1,26	8,15 $\pm$ 2,73	p<0,05

#### 2-жадвал

##### Офтальморозацеа бўлган ва назорат гуруҳидаги беморларда кўз ёшидаги цитокинлар даражасини таққослаш

Цитокинлар	ОР	КГ	P
IL-1 $\beta$ (пг/мл)	211,45 $\pm$ 58,5	49,6 $\pm$ 26,99	p<0,05
IL-6 (пг/мл)	16,53 $\pm$ 1,26	8,15 $\pm$ 2,73	p<0,05

Шундай қилиб, офтальморозацеа билан кўз ёши суюқлигида яллиғланиш цитокинлари IL-1  $\beta$  ва IL-6 даражасида сезиларли ўсиш кузатилади. Ушбу кўтарилишнинг аксарияти кўз ёши айланишининг камайиши натижасида юзага келиши мумкин ва кўз ёшининг турғунлигини ва кўз юзаси яллиғланишининг давом этишига ёрдам берадиган муҳим ижобий қайта алоқа механизмини ташкил қилиши мумкин. Розацеа- кератит

